

## Пудрат шартномаси

Андижон шахри

№С-2022-1

2022 йил 20 икъоб

«Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Кишлок курилиш инвест» ИК МЧЖ Андижон вилоят филиали номидан Ишончнома асосида иш кўрувчи директор Б.Мўминов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва «Бунёдкор универсал курилиш инвест» МЧЖ номидан, харакатдаги Низоми асосида иш юритувчи иккинчи томондан кейинги А.Қобулов ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Атамалар

#### 1.1. Мазкур шартномада қўйидаги атамалар қўлланилади:

- «**кизро хужжатлари**» : - натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар, ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганини тўғрисида далолатномалар, айrim масъулнинг конструкциялар, оралик даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килингангача асбоб - ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

- «**лойиха-смета хужжатлари**» (ЛСХ): объект курилиши учун лойихалаш институти томонидан тайёрланган ишлар хажми, мазмуни ва уларга киритиладиган талабларни ўз ичига оладиган хужжатлар тўплами;

- «**курилиши майдони**» : - шартнома (контракт) доирасида, барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиши майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

- «**вактинчалик ишлар**»: - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

- «**беркитилган ишлар**»:- ишни сифати ва якунланганини кейинги ишлар бажарилгандан сўнг аниклаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- «**жорий молиялаштириш**»:- шартномада белгиланган ишлар кийматини, ҳакиқатда бажарилган ишлар хажмидан келиб чиккан холда боскичма –boskic молиялаштириб бориши;

- «**маблаг билан таъминловчи орган**»: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблаг билан таъминловчи орган, Молия вазирилиги, вилоят, шахар молия бошкармаси.

### II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, **Андижон шахри Коратут МФЙ 5-кичик дахасидаги хизмат уйлари учун ичимлик хамда окова сув тармоғи курилиши** объектини фойдаланишга топшириш тўғрисида, курилиши ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса курилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни кабул килиш ва маблаг билан таъминловчи орган томонидан маблаг ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар киймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Мазкур шартнома бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «11» май 2018 йилдаги ПҚ-3713С-сонли карори хамда **2022 йил «16» июльдаги <http://etender.uzex.uz>** сайтига жойланган ЛОТ №22110012120239 Энг яхши таклифларни танлаб олиш оркали танлаб олинган ва тасдиқланган. Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар киймати жорий йилдаги молиялаштирилладиган маблаг **79 650 000 (етмиш тўқиз миллион олти юз эллик минг)** сўмни, шартноманинг умумий киймати **88 500 000 (саксон саккиз миллион беш юз минг)** сумни ташкил этади.

3.2. Ишлар киймати ўзгармас хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас. Қўйидаги холларда нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;

- ишлар хажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;

- Пудратчи ташкилот солик тўловчи сифатида бошка солик турига ўтканда тендер савдоси натижасида аникланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи кўйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

- барча ишларни **объектни лойиха-смета хужжатларига** мувофиқ, шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- йордамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ѹрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахбарот бериш;

- шартнома бўйича объектини фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

- объектида конунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфиззлик техникасини таъминлаш;

- курилиш майдонини, ундаги курилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни куирканишини таъминлаш.

- Пудратчи хисобот ойининг 27-28-кунидан кечикмаган холда Буюртмачига ҳакиатда бажарилган ишлар ҳажми ва киймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, хисобот хужжатларини (счёт-фактура) тақдим килиши, бунда хисобот хужжатларига бажарилган ишлар, кўлланилган курилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли хужжатлар илова килиниши;

- курилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатларини урғанио чикиш, лойиха-смета хужжатларда аникланган нұқсанлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вактида хабардор этиш;

- курилиш-тъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета хужжатлари буйича объектда бажариладиган иш кисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим килиш;

- обьектда курилиш-таъмирлаш ишлари тутатилгач, бажарилган ишлар тасвирини курсатувчи фотосуратларни Буюртмачига такдим килиш.

- ишшоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартида иншотни фойдаланиши топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига хужжатлар тўпламини тақдим этиш;

- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини күрсатувчи фотосуратларни курилиш ишлари туталмапача Буюртмачига<sup>®</sup> тақдим килиш.

- объекттун курилишида юзага келадиган муаммолар, хал этилиши лозим болган масалалар жөнди.

- Курилиш даврида Буюртмачи ва бошка назорат килювчи органынан томонидан берилган тегишли күрсатмаларни инобатга олган холда, улар томонидан аникланган камчиликларни ўз вактида, сифатли бажариш;

- Иншоотда курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлик расмийлаштирилган фойдаланишга қауул килиш, далолатномаси ва унга тегишли бўлган хужжатлар тўпламини Буюртмачига такдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни түгри сарфланиши бўйича (талао килинган холларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлижавобгар хисобланади.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

#### 5.1. Шартномани бажарыш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичиди, ишларни бажариш учун объект лоиҳа-системасини туттуб, яроқли бўлган курилиш майдонини курилиш обьектида ишлар тугаллангунга кадар бўлган даврга, хужжатларини, яроқли бўлган курилиш майдонини курилиш обьектида ишлар тугаллангунга кадар бўлган даврга, дадолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат килиши, Пудратчидан тугалланган ишларни каубул килиб олишни тъмминлаш;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилганидан сунг пурратчиға (бунак) аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириши.

## **VI. Ишларни бажариш муддати.**

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошкармасида рўйхатдан ўтказилган вактдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти, ишлар бошлиланган кундан этиборлар 60 кунни ташкил этади.

6.3 Шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофик, оиринчи бунак (аванс) түлөві түшгән күндан бошлаб, танлов савдолари натижаси бүйіча аникланған курилишнинг давом этиш вакти хисоб-китоб килинади. Пудратчи шу күндан бошлаб, бажарылған ишләри учун Буюртмаши томонидан асослы равиша молиялаштириш кечиктирілған холларда ҳам, ўзининг тендер хужжатларыда күрсатылған айланма маблағлари ёки кредит маблағлари хисобидан ишләрни бажариши, объектни шартномада белгиланған муддатда фойдаланишига топшириши шарт хисобланади.

6.4. Шартнома бүйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалда оширилады.

6.5. Пудратчи иншоотни (объектни) Давлат кабул Хайътигининг фойдаланишга кабул килиш хакидаги далолатномаси асосида топширганлиги ва курилиш-монтаж ишлари 100 фойзга бажарилганлиги хакидаги далолатномаларни ( счет-фактура Ф-2, Ф-3) Буюртмачига топширгандан сунг ишлар бажарилган хисобланади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига шартнома бүйича 2022 йил бажариладиган ишлар умумий кийиматини 30 фоизигача ўтказиладиган бүннак (аванс) 23 895 000 (йигирма уч миллион саккиз юз түкөсөн беш минг) сүмни ташкид этади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириши учун вуортма ишларни бажариш жадвали ҳамда қурилишга бюджетдан ёки бошка молиялаштириш манбаидан маблагларнинг ажратилганлиги асос хисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бүнак (аванс) маблаглари бажарилган иш хажми а мутаносибо равиша ушлаб колинган холда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, 2022 йил бажариладиган ишлар кийматининг 90 фоизи доирасида (топширилган иш хажми суммасидан олдин тулангандын бунак маблаги ва 10% лик кафолат суммаси мутаносиб равиша олиб колиниб) амалга оширилади, бу **79 650 000 (етмиш тўқиз миллион олти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

7.4 Бажарилган ишнинг кафолатли муддати 1 йил бўлиб, ушбу муддат тамом бўлгандан кейин – ишлар умумий кийматининг 10 фоиз колдик суммасининг тўлови, Буюртмачи томонидан талаб килинган хужжатлар Пудратчи

томонидан Буюртмачига тақдим этилганидан сўнг амалга ошириладиган **8 850 000 (саккиз миллион саккиз юз эллик минг)** сўмни бюджетдан еки амалдаги конунларга зид булмаган бошка молиялаштириш манбайдан маблаг ажратилгандан сунг амалга оширилади.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳукуки Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Шартномада кўзда тутилган барча тўловлар республика, махаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошка манбалардан маблаг ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра молиялаштириш кечикканда, Буюртмачи жавобгар бўлиб хисобланмайди.

7.7. Тендер нархидан ташкари, технология талаби ёки юкори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топширик буйича бажарилган курилиш монтаж ишлари киймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблаг ажратилгандан сунг, тулов амалга оширилади.

7.8. Маблаг тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиқкан тақдирда, ушбу низони ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жараёнiga маблаг билан таъминловчи органнинг жалб килиниши таъминланади.

### VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз танишиш ҳукуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикалаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равиша ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура курилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нуктлари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофикалиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига топширади.

8.10. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вактингча улашни ва улаш нуктларида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюллар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб, уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-курилишназорат» инспекциясини ёзма равиша ҳабардор килади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-курилишназорат» инспекциясини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарida уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жихозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан камида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жихозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган холда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жихозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб урнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огохлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб килиш ва муддат бериш хукукига эга. Бу муддат ун кундан кам булмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ҳабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудрадатчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ва муддатини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини тъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар<sup>6</sup> Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуруб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чикариб ташлайди.

8.19. Агар техник хужжатларга узгартариш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган кушимча ишлар қиймати жихатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий қийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник хужжатларга узгартариши киритишга хакли.

#### IX. Ишларини қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олгунга кадар, четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини тъминлайди.

9.2. **Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жихозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар буюртмачининг зинмасида бўлади.**

#### X. Енгиг бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиати ҳодисалари ва бошқа енгиг булмайдиган куч натижасида келиб чикса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тулик бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгаришилар киритилади.

10.2. Агар енгиг булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда куп вактда чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандалар қурилишини мухокама киладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келишиш олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномага бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

#### XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажаргандаридан кейин, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул килиб олишинг белгиланган коидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тутрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида уни қабул қилишини амалга оширилади.

11.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва мухандислик тармокларининг тайерлиги тутрисидаги хulosаларини, мухандислик тармокларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклади.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирганлик учун Пудратчи жавобгар хисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдикланганидан ва қурилиш-монаж ишлари 100 фоизга бажарилганлиги хакидаги далолатнома (счет-фактура Ф-2, Ф-3) Буюртмачига топширилгандан сўнг объект қабул килиб олинган хисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи куйидагиларни кафолатлади:

- барча ишларни тулик хажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха хужжатлари хамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;
- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таммирлаш ишлари хажми, етказиб келинадиган, кўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жихозлар қийматидан келиб чиқсан холда тегишли солик

органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда хисобот бериб бориш;

- курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;

- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектда ўрнатилган мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиши коидаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати мазкур шартноманинг 7.4. бандида белгиланган..

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аниқланниб, у бартараф этилгунга кадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуксонлари аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этиллади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича хужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан хужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш хукукини беради.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиши ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш хукукига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига катнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектуракурилишназорат» органдари томонидан амалга оширилади.

### XIII. Шартномани бекор қилиши

#### 13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта чўзилганда;

- Пудратчи томонидан курилиш ишлари шартнома шартлари, курилиш меъёрлари ва коидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичida Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш хукукига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичida барча бажарган ишлари ва қолдик ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли хужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган хужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдик ишлар бўйича хужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш хукукини беради.

#### 13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюрмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб кўйилганда;

- **Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармагандан:**

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

13.3. Шартнома бекор қилингани тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойданни тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган холда Буюртмачи айрим ишлани бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга хакли.

### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган заарларни тулайди;

- Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида»ги қонунда ва бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вақтида молиялаштирганини учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50 - фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувоғиқ бажарилған ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишида бош тортилғанлығы учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортған сумманинг 5% фоизи микдорида жарима тулади.

14.4. Пудратчи объектни уз вактида битказиш ва фойдаланишга топшириш бүйича уз мажбуриятларини бажармаганлығы ва бажарилған курилиш-монтаж ишлары хакидаги далолатномани (счет-фактура Ф-2, Ф-3) Буюртмачига топширмаганлығы уз учун Буюртмачига муддати утказиб юборилған хар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган кисмининг 0,4% фоизи микдорида пеня тулади, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бүйича ишларни тулик бажарып, аммо бажарилған ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вактида бажармаса, иншоотни қабул килиш-топшириш далолатномасини уз вактида расмийлаштырылса, ва курилиш монтаж ишларини 100 фоизга бажарилғанлығы хакидаги Ф-2, Ф-3 далолатномасини (счет-фактура) топширылса, утказиб юборилған хар бир кун учун, обьект шартномавий жорий кийматининг 0,04% микдорда пеня тулади, аммо пенянинг умумий суммаси бажарилмаган (100 фоизлик Ф-2, Ф-3 далолатнома счет-фактурада курсатылған) ишлар кийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топылған нұксонлар ва камчиликтер уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилған хар бир кун учун сифатсиз бажарилған ишлар кийматининг 0,4% фоиз микдорида, бирок бартараф этилмаган камчилик ва нұксонлар кийматининг 50% фоизидан орткы булмаган микдорда пеня тулади.

Пеня тулаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатылышнинг кечикиши туфайли етказилған зараптарни коплашдан озод кілмайды.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланған пеня ва жарималарни, агарда уларни үндериш холати юзага келса, бажарилған ишлар хисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлған 5 фоизли кафолат тўлови хисобидан ушлаб колади.

14.7. Бажарилған ишлар сифати белгиланған стандартларга, курилиш мөърлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувоғиқ булмаса у холда Буюртмачи «Давлатархитектурекурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 50% фоизи микдорида жарима үндериш хукукига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета хужжатлари бүйича келиб чикканда низони хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шуғуллунған ташкилот ишга жалб килинади. Лойиха-смета хужжатларидағи аниқланған камчилик ва нұксонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилғанлығы ёки мажбуриятларининг бошқача тарзда зарур даражада бажарилғанлығы учун пеня ёки жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод кілмайди.

#### XV. Низоларни хал этиш тириби.

15.1. Шартнома бүйича юзага келған низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмагандан, конун хужжатларида белгиланған тартибда Андижон туманлараро Иктисадий суди томонидан хал этилади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарилған ишлар бүйича Буюртмачига республика ёки махаллий бюджет томонидан маблаг ажратылмаган ёки маблаг кечиккап тақдирда Буюртмачи жавобгар хисобланмайди.

#### XVI. Алохид шартлар

16.1. Шартнома имзоланғандан кейин, у тузилунга қадар шартномага тегишли бўлған томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

16.2. Пудратчи шартноманинг амал қилиш даврида ўз номини, банк реквизитларини ўзгартирган тақдирда 2 кун муддат ичидаги Буюртмачини ёзма равишида хабардор этиши шарт. Аниқланған холат бўйича томонлар ўртасида кўшимча келишув расмийлаштирилади.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланғанидан кейин курилиш майдонидаги узига тегишли молмүлкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарған ишлари учун хак тулашни кечикиришга хаклидир.

16.4. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари узгарған тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичидаги хабардор килишлари шарт бўллади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига хужжатлар буюртма хат орқали юборилған холда, хужжатлар етказилған ва юборилған тараф томонидан олинган хисобланади.

16.5 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлған 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сакланади ҳамда қонунчиликда белгиланған тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.6. Шартнома 2022 йил 31 декабр куни охирига калар амалда бўлади.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

«БЮОРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
«Кишилек курилиш инвест» ИК МЧЖ Андижон филиали	«Бинёдкор универсал курилиш инвест» МЧЖ
Андижон шаҳри Фитрат кучаси 214 уй	Манзил: Андижон шаҳар 3-кичик даҳа 29 уй
Тел: 74-223-70-71	Тел: 98-107-17-19
ИНН 301291517	ИНН 305 468 125
П/М 301121860034017063201110376	Х/Р 2020 8000 9008 6725 7001
УЗР Молия Вазирлиги Газначилиги	МФО 00082
Ягона Газна №: 23402000300100001010	АТБ “Кишилек курилиш банк” Андижон минтақавий филиали
МВАМКМ Тонкент ш.	
МФО 00014, СТРИР 201122919	
Рахбар: Б.Мўминов	
М.У.	



— О. Масодебек

Рахбар:  
М.У.

А.Қобулов